

CHIRCHIQTONGI

**Toshkent viloyati
Chirchiq shahar
hokimligining
ijtimoiy-siyosiy gazetasi**

**2025-yil, 14-mart JUMA
10-son (10257)**



Чирчиқ шаҳрида 13 миллиард 222 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига барча қулайликларга эга замонавий туғруқ комплекси реконструкция ва капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова ҳамда вилоят, шаҳар масъуллари, депутатлар, нуронийлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Қайд этилганидек, ҳозир шаҳарда 171 минг 608 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар йили 3,5 мингга яқин туғруқлар рўйхатга олинади. Шу кунгача шаҳар аҳолисиغا Чирчиқ шаҳрида жойлашган Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят филиалида хизмат кўрсатилган эди.

Бугун туғруқ, патология, гинекология, катталар реанимация бўлимлари, шунингдек, чақалоқлар интенсив палаталаридан иборат 101 ўринли мажмуа ўз ишини бошлади. Бинонинг барча хоналари 1 миллиард 836 миллион сўмлик барча тегишли тиббий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, "Ишонч-2030" лойиҳаси доирасида ҳам яна 23 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

Тадбирда сўз олганлар ушбу тиббиёт маскани кўп йиллар аҳолига хизмат қилиши, туғилажак фарзандлар эса оилаларга бахт олиб келиши борасида сўз юритди. Шундан сўнг фаоллар томонидан рамзий тасма кесилиб, масканди яратилган шароитлар билан танишилди.

ЎЗА

ҲАФТАНИНГ ЯХШИ НГИЛИКЛАРИ

Кўни кеча мамлакатимизда ўзининг ибратли фалопияти билан эл назарига тушган хотин-қизларга "Мўтабар аёл" кўрак-нишони топширилди. Ушбу мукофотга шаҳар Мактабгача ва мактаб таълими бўлими услубчиси Гулбаҳор Маматова ҳамда "Оқила аёллар мактаби" раҳбари Мавлюда Усмановалар ҳам лойиқ кўрилди.

Шаҳар Тиббиёт бирлашмасида янги иш бошлаган туғруқ комплексида 13 март кўни соат 03:50да илк чақалоқ - паҳлавондек ўғил дунёга келди. Ҳозирда она ва боланинг саломатлиги яхши.

2-кичик ноҳия ҳудудига кираверишдаги ҳамда Чирчиқ 50 йиллиги номи билан аталувчи кўчага аҳоли ва ҳайдовчиларга қулайлик яратиш мақсадида светофорлар ўрнатилиб, йўл чизгилари чизилди. Атрофига кўчатлар экилиб, ҳудуд ободонлаштирилди.

Эрметов Акмал Анарбек ўғли – Чирчиқ шаҳар ҳокимининг инновацион ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

А.Эрметов 1994 йилда Чирчиқ шаҳрида туғилган. Маълумоти – олий. 2019 йил Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети таомлаган.

Лавозимга тайинлангунга қадар, "Чирчиқ кимё-индустриал технопарки дирекцияси" МЧЖнинг моддий-техник таъминоти етакчи мутахассиси лавозимида ишлаб келаётган эди.

ТАЙИНЛОВ



КўЧАТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТИШ-ОНА ВАТАНГА МУҲАББАТИМИЗ РАМЗИ БЎЛСИН!



БУГУННИНГ ГАПИ



Ўлкамизга баҳор ташрифи билан табиат уйғониб, дов-дарахтлар жонлана бошлади. Демак, кўчат экиб, боғ яратиш, гулзорлар барпо этиб, шаҳримизни жаннатмакон гўшалардан бирига айлантириш учун энг қулай фурсат этиб келди. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил – мамлакатимизда "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" деб эълон қилиниши замирида ҳам аввало инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш бериш, инсон қадри, унинг саломатлиги ҳақида алоҳида қайғуриш ҳамда қадр-қимматини улуғлаш мезонлари ётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шу асосда ишлаб чиқилган ҳаракат Дастурида бу масалалар батафсил ўз аксини топган. Эндиги вазифа уни ҳаётга изчил татбиқ этишдан иборат. Барчамизга маълумки, атроф-муҳитни асраш деганда экологларимизнинг фикрича, табиат мувозанати – бу аввало, яшил макон, ўрмонзорлар, боғ-роғлар, бепоеъ ўтлоқлар қўлаи билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам Президентимиз ташаббуси билан бошланган "яшил макон" лойиҳаси доирасида дарахт экилган ҳудудларни янада кенгайтириш, саноат зоналарида "яшил белбоғ"лар, шаҳар ҳудудларида экобоғлар ташкил этиш борасида тегишли топшириқлар берилган эди. Фақат ўтган йилнинг ўзида шаҳримизда салкам 200 минг туп мевадари, манзарали дарахт кўчатлари экилди. Жорий йил баҳорида олдимизда 212 минг 700 туп кўчат экишдек масъулиятли вазифа турибди.



Ўзининг кўп йиллик ҳалол меҳнатлари билан танилган Адашбуви Юлдашевнинг бугун қувончи чексиз.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вилоят бўлими бошқармаси бошлиғи Барҳаёт Мелиев шаҳримиздаги "Кимёгар" маҳалласида истиқомат қилаётган 100 ёшдан ошган онахон Адашбуви Юлдашевнинг ҳолидан хабар олиб, онахонга Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаевнинг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

Онахон қўлини дуога очар экан, билдирилган эътибор ва меҳр-саховат учун юртбошимиз ва вилоят ҳокимига ўзининг эзгу тилақларини билдирди.



КЎЧАТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТИШ-ОНА ВАТАНГА МУҲАББАТИМИЗ РАМЗИ БЎЛСИН!

Кўчат экиб боғ яратиш, атроф-муҳитни тоза ва озода сақлаш халқимизга хос фазилат, асрлар синовидан ўтган кадрият саналади. Зеро, азал-азалдан аجدодларимиз оилада янги чақалоқ туғилса, фарзандига атаб ерга ниҳол қадаш анъана бўлган. Унга меҳр бериб парвариш қилинган. Экилган дарахт фарзанд камолга етганда корига яраган. Бу эзгу қадриятларимиз барқарорлигини таъминлашда "яшил макон" умуммиллий лойиҳасини ҳаётга тадбиқ этишдек хайрли ишларда барчамиз бир тан-бир жон бўлиб фаол иштирок этишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Маълумки, ҳар бир инсон ўзи яшаб турган ҳудудни ободонлаштириши ва кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшиши нафақат шаҳар кўркига-кўрк қўшади, балки, инсон табиати ва кўнглига хушнудлик, кўтаринки руҳ бағишлайди. Шунинг учун ҳам айни чоғда шоҳ кўча ва йўллар ёқаларига, кўп қаватли уйларнинг бўш турган ҳовлиларига, корхона, идора, муассасалар атрофларига, ариқ, каналлар соҳилларига кўп йиллик дарахт кўчатлари, ранг-баранг гул ва шу каби ниҳоллар экилиб, обод қилинмоқда. Шаҳримизда ёшлар томонидан бунёд этилган боғ-роғлар, хиёбон, ҳордиқ масканлари сони тобора ортиб бормоқда.

Одатда, кўчат экиб, ҳудудларни обод қилиш маҳаллалардан бошланади. Шу кунларда "Маърифат", "Ҳайдар Максудов", "Мир Алишер" маҳаллалари раислари ва "маҳалла еттилиги" бошчилигида шу ҳудудда яшовчи аҳоли томоқчаларининг ўзидан 19 гектардан ортиқ майдонга турли мевали, манзарали, шу билан бирга, гул кўчатлари экиб, парвариши бошлаб юборилди. Кўчат экиб, саноат зоналарида "яшил белбоғ"лар ташкил этишда "Махам-Чирчиқ" АЖ етакчилик қилмоқда. Улар жорий йилда камида 60 минг туп

(Давоми. Боши 1 - саҳифада)

гул кўчатлари, 25 мингдан ортиқ дарахт кўчатлари экишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Куни кеча шаҳар нурунийлари, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, фаолларнинг 20-сонли умумтаълим мактаби ҳудудида 700 туп кўчат экиб, фарзандларимиз учун боғ яратиш берганликлари, айниқса, диққатга сазовор. Ташаббуснинг қаноти бор, деганларидек ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳримизда кундан-кун авж олиб бормоқда.

Кези келганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил

етиштириладиган мева-сабзавотлар нафақат ризқ-насиба, шу билан бирга, экологик хавфсизликни сақлашда ҳам у катта аҳамият касб этиши таъкидлаб



тақозо этмоқда. Ҳовли-жойларимиз, томоқчаларимизга, айрим маҳалла-кўйлардаги қаровсиз ётган жойларга кўчат экиб, ўзимиздан муносиб боғ қолдирайлик. Икки-уч йил ўтиб у ларзон-ларзон ҳосил бериб, дастурхонга барака киритиши табиий. Ҳеч бўлмаса, фусункор табиатдан завқланиб ўзинг эккан дарахтнинг соя-салқинида бир зум ўтириб, ҳордиқ чиқаришнинг гаштига не етсин?! Бироқ, ўз қўлинг билан эккан, ям-яшил гўзалликдан баҳра олиш, нозу неъматларидан баҳраманд бўлиш учун кўчат экишнинг ўзи кифоя эмас. Экилган кўчатнинг парвариши асосий мезон

14 февралда имзолаган "Томорқа ер эгалари ва деҳқон ҳўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида томорқа имкониятларидан самарали фойдаланиш, ерлар унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш, шу билан бирга, бирор қарич ернинг бўш туришига лоқайд қарамаслик масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги диққатга сазовор. Бу ҳам бўлса она заминимизда

ўтилган.

Қонунчиликда ерлардан унумли фойдаланмаганлик учун ҳуқуқий ва маъмурий чоралар кўзда тутилган.

Ҳақиқий соҳибкор баҳорнинг бир кунини, бошқа фаслларнинг юз кунига алишмайди. Бу бежиз эмас, албатта. Кўкламда қадалган кўчатнинг тутиб қолиш, кўкариб кетиш кафолати бу фаслда жуда юқори. Гарчи шундай экан ҳар биримиз юксак онглилик кўрсатиб, "яшил макон" умуммиллий ҳаракатида фаоллик кўрсатишимизни ҳаётнинг ўзи

бўлмоғи лозим.

Зеро, ҳадиси-шарифларда ҳам кўчат экиб, боғ яратиш энг савобли амаллардан эканлигига ишора бор. "Қўлингда бир кўчат бўлсаю, қиёмат қойим бошланди, десалар ҳам аввал ўша кўчатни экиб кол" дея ривоят қилинади манбаада. Қолаверса, умид ва меҳр билан экилган ҳар туп кўчат она-Ватанга, она заминимизга чин муҳаббатимиз, садоқатимизнинг рамзи бўлиб қолсин.

Абдул ҲАМИД

МАШАҚҚАТЛИ, ЛЕКИН ШАРАФЛИ КАСБ

Халқимизнинг "Дарахт бир жойда кўкаради", деган гапи борки, бунинг билмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Ушбу мақол замирида инсон бир ишнинг бошини ушласа, албатта, барака топади, шуҳрат қозонади, деган ғоя сингдирилган. Доно халқимиз фарзанд тарбиясини ҳам дарахт ўстиришга ўхшатади. Ёш ниҳолни қайси томонга қараб ўстирсангиз, шу томонга қараб бўй чўзади. Бунинг исботини мол боқиб, томорқада меҳнат қилиб, суяги қотган ҳикоямиз қаҳрамони "Махам-Чирчиқ" корхонасининг Компрессия цехи бошлиғи – Нурали Кабилбеков мисолида яққол кўриш мумкин.

1987 йилда Тошкент давлат техника университетини тугатиб, инженер-механик мутахассислигига эга бўлган ёш йигит тўппа-тўғри "Махам-Чирчиқ" корхонасининг Компрессия цехига ишга келди. Дастлаб, цехдаги эскирган ускуналарни таъмирлаш билан шуғулланган Нурали озгина бепарволик ё билимсизлик компрессорларнинг ишдан чиқишига олиб келиши мумкинлигини яхши билгани учун тинмай ўз устида изланди. Гоҳ тажрибали устозларидан, гоҳида техник адабиётлардан ўқиб-ўрганди. Бора-бора жамоада илғорлар сафидан жой олди.

Шундан буён юқоридаги нақлга амал қилиб, битта жойда меҳнат қилаётганига ҳам роппа-роса 38 йил бўлибди. Бу рақам айтишга осон. Ўтиш даврида юзага келган қийинчиликларни енгиб ўтишнинг ўзи бўлмади, албатта. Лекин, бугун унга ҳавас қилувчилар кўп. Ўз танлаган, меҳр берган касби бор, намунали оила бошлиғи.

Ҳар бир касбнинг ўзига хос сир-асрорлари, нозик жиҳатлари бўлади. Компрессия цехи корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнларида ҳаракатлантирувчи куч (энергия) сифатида фойдаланиладиган сиқилган газни (босимни) таъминлаб беради. Фавқуллодда ҳодисаларнинг олди-

ни олиш учун компрессорлардаги босим доим назоратда, ускуналар соз ҳолатда бўлиши лозим. Бу ишлаб чиқариш қуввати ни сақлаш ва энергия сарфини тежаш имконини беради.

Шундай масъулиятли ишнинг бошини ушлаган Нурали Кабилбеков тинимсиз меҳнати ортидан ўзининг қатъиятли, иродали ва зеҳнли эканини исботлади. Устозларининг назарига тушиб, уларнинг ишончини оқлади. Натижада, 2012 йилда компрессия цехига бошлиқ этиб тайинланди. Ҳозирги кунда 128 нафар ишчи-ҳодимга раҳбарлик қилиб, уларга ўз тажрибаларини ўргатиб, билимларини оширишига беминнат ҳисса қўшиб келмоқда.

Кабилбековлар оиласини кимёгарлар оиласи дейиш мумкин. Акаси Нурлыбек Кабилбеков анча йиллардан буён шу корхонада чилангар бўлиб ишлайди. Ўғли Алибек Ибадуллаев Қозоғистонда таҳсил олиб, энергетик мутахассислигига эга бўлди. Отаси билан битта жойда чилангар-электрик бўлиб иш бошлаганига ҳам бир йилдан ошди.

Нурали Кабилбеков компрессия цехида узоқ йиллар машинист бўлиб ишлаган умр йўлдоши Багила Кабилбекова билан

икки қизи – Балнур ва Молдирни, ўғли Алибекни тарбиялаб вояга етказишди. Беш нафар набиранинг бобоси ва буви-си бўлишди. Ҳамма фарзандлари олий маълумотли. Эл хизматига камарбаста. Ҳозирги кунда пенсия ёшига етган Багила Кабилбекова набиралар тарбияси билан банд.

– Бўш вақтимни газета-журнал ўқиш билан ўтказаман, – дейди суҳбатдошим ўзи ҳақида гапирар экан. – Ҳар бир раҳбар янгиликлардан хабардор бўлиб туриши, дунё бўйлаб кечаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб бориши, замон билан ҳамнафас яшаши лозим.

Нурали Кабилбеков Бўстонлик туманининг "Янги овул" қишлоғида истиқомат қилади. Ҳанузгача Чирчиққа қатнаб ишлайди. Нега шаҳарга кўчиб келмагани, деган саволимга:

– Ҳар кимнинг туғилиб ўсган жойи ўзига азиз. Ишдан чарчаб борганимда завқланиб томоша қиладиган каттагина боғим бор. Турли-туман мевали дарахтларни экиб, парвариш қилганмиз. Сут-қатиқ дегандай, соғин сигиримиз рўзгорга яраб турибди. Қўрамда маъраб турган қўй-қўзиларимни кўрсам, яйраб кетаман. Бунинг завқи бўлакча. Шуларни кўзим қиймайди-да, – дея жавоб берди.

– 2025 йилга Президентимиз "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" деб бежизга ном бермади. Иқлим ўзгариши, чўлланишнинг олдини олиш учун қишлоғимиз аҳли билан бирга яқин кунларда хонадонларимиз атрофини яшилликка буркаш, кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшиш учун яна дарахт кўчат-

Илғорлар ҳақида ҳикоялар



ларини экишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Инсон ўқимишли бўлиш билан бирга, самимий, камтар ва меҳнатсевар бўлсагина одамлар меҳрини қозона олади. Олий маълумотли, ўз ишининг устаси бўлган мутахассиснинг гапларини тинглар эканман, унинг вояга етган ерига, овулининг табиатига муҳаббати беқиёс эканига гувоҳ бўлдим. Бундан кўринадики, у ўз касбига ҳам шундай садоқатли.

Бир жойда кўрган дарахтнинг илдизлари ер қаърига чуқур илдиз отганидек, Нурали Кабилбеков ҳам "Махам-Чирчиқ" корхонасида кўп йиллик меҳнати билан обрў-эътибор қозонган, қадр топан фидойи инсонлардан.

Саодат МУСАЕВА



ВАХШИВОРЛИК ТАСАВВУФ КҮЙЧИСИ

Бугунги кунда Чирчиқ давлат педагогика университети Гуманитар фанлар факультети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти, “Шухрат” медали соҳибаси Гуландом Тоғаева илмий-педагогик фаолиятини олиб бориш билан бирга, “Ёшлар академияси” қошида ташкил этилган “Мушоира” адабий-бадий клубига раҳбарлик қилиб келмоқда. Клубда 100 га яқин адабиётга, ижодга меҳр қўйган талабалар, магистрлар жам бўлишган. Талабаларнинг ижод намуналари жамланган учта тўплам Гуландом Тоғаева бошчилигида нашр этилди.

Шоиранинг 2024 йилда нашр этилган “Ишқ ҳандасаси” номли шеърый тўпламидан унинг турли йилларда ёзган энг сара шеърлари ўрин олган. Самимиятга йўғрилган шеърларида қалбидаги беғуборлик, жўшқинлик, теран мунг, ишқ, ўзбек қизининг ибод-ҳаёси, андишаси, бир сўз билан айтганда, бор бўйи билан намоён бўлади. Ранг-баранг туйғулар жилоси, бетакрор оҳанг ҳарорати адабиёт ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди.

Гуландом Тоғаеванинг Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида ишлаган кезларида “Аждодлар хазинаси”, “Шукрона”, “Илм қудрати”, “Саодатли умр”, “Умрбоқий кўшиқлар”, “Сиз соғинган кўшиқ”, “Халқ виждони”, “Маънавият дарғалари”, “Чироғи ёниқ уй” каби бир қанча телелойиҳалари томошабинлар эътиборини қозонган бўлса, “Чақмоқ хўрсиниқлари”, “Муҳаббат асри”, “Мен излаган кема”, “Ўн етти ёшлилар мамлакати”, “Сувайдога йўл”, “Ишқ ҳандасаси” каби шеърый тўпламлари мухлислари қалбидан чуқур ўрин олган.

Гуландом Тоғаева – руҳият шоираси. Қалбида шеър исён бошлаган қизнинг иқдорини қаранг:

Тунлар тунд уйқумни ўғирлайди шеър,

Ашъорсиз шомларни унча сўймайман.

Ўтданмас, завқданмас юракдаги кўр,

Шоир юлдузларга боқиб тўймайман.

Теграмда тирик руҳ, хаёллар фақат”, -

деб ёзган шоиранинг руҳий сарбаландлигини, қамровини тасаввур қилиш қийин эмас. Ижодкор нафақат ошиқона туйғулар эгаси, балки илм йўлидаги ҳақиқий олималардан. Унинг “Матбуот ва тасаввуф”, “Эзгуликнинг бадий инъикоси”, “Миллий тафаккур поэтикаси қирралари” каби рисоалари, “Тасаввуф адабиётининг ўзбек матбуотида ёритилиш масалалари” ҳамда “Тасаввуф адабиёти ва Фаридиддин Аттор ижоди” номли 2 та монографияси, “Табиий фанларнинг замонавий концепцияси” номли дарслиги ва битта ўқув қўлланмаси чоп этилган. Шоира 2007-йилда “Тасаввуф адабиётининг ўзбек матбуотида ёритилиши: муаммолари, тамойиллари ва шакллари” мавзусида номзодлик диссертациясини му-

ваффақиятли ҳимоя қилган. Илмий фаолиятининг ёрқин намуналари сифатида 60 га яқин мақола ва тезислари халқаро ва миллий журнал ҳамда конференцияларда эълон қилиб келинмоқда.

Ижодкорнинг “Ишқ ҳандасаси” китоби ҳозирги ўзбек шеърятига янгича руҳ, янгича қадам билан кириб келди. Жорий йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Адабиёт” нашриётида чоп этилган ушбу китобнинг тақдироти бўлиб ўтди. Тақдиротда ижодкорга нисбатан билдирилган баъзи фикрларни келтириб ўтиш-ни жоиз, деб биламан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо “Ҳассос шоира Гуландом Тоғаеванинг “Ишқ ҳандасаси” китобининг биргина сарлавҳаси моҳиятини тушуниш ҳам инсонни теран мушоҳадага чорлайди” деган фикрларни илгари сурган бўлса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова “Гуландомнинг илк китоби қўлимга етиб келганида “Чақмоқ хўрсиниқлари”дан ҳайратга тушдим. Ҳақиқатан, чақмоқ хўрсинади, хўрсинганда ҳам жуда қаттиқ хўрсинади. Ана шу чақмоқнинг хўрсиниғи шоирни дунёга келтиради... Унинг қорачиқларида биз англаб етмаган хазиналар, сир-синаотлар қатланиб турибди”, дейди. Ижодкорнинг яна бир муҳим хислатини айтиш ўринли. Туркий адабиётнинг дурдоналари ҳам унинг “қозони”да “қайнаб”, ўз маромига етган. Мана шу эпкинликни нозик хилқат, сокинлик, камсуқумлик, камтаринлик билан етказишга ҳаракат қилади. Шеърларида инсон қалбини ўйлатадиган, туғёнларга соладиган, бошқа бир дунёга “олиб ўтадиган” жиҳатлар бор.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, адабиётшунос, ёзувчи Олим Тошбоев ҳам “Бужур тош” номли мақоласида ижодкорнинг ёшлик йиллари ҳақида баъзи хотираларни эслаб шундай ёзади: “Истеъдодли шоира Гуландом Тоғаеванинг “Ишқ ҳандасаси” китобини ўқиб, ҳаёлим олисларга кетди. 1989-йил... ТошДУ журналистика факультетининг 1-курсда ўқиймиз. Ўқувчилик йилларидаёқ “Тонг юлдузи”, “Гунча”, “Гулхан” каби адабий



нашрларда турқумлари эълон қилинган Гуландом Тоғаева курсимизда энг машҳур талаба эди... Гуландом Тоғаева ва Юлдуз Мухторова (таниқли адиб Омон Мухторнинг қизи) ҳақидаги ҳужжатли фильм Москва ва Ўзбекистоннинг давлат телеканаллари орқали намоиш этилганидан сўнг пойтахт ва вилоят марказларидаги кинотеатрларда ҳам кўрсатилган... Хуллас, талаба бўлганимизга бир қувонган бўлсак, яқин таниш-билишларга “Гуландом Тоғаева биз билан ўқийди”, дея икки бор қувонганмиз”.

Дарвоқе, Гуландом Тоғаева ҳазрат Сўфи Оллоёр қадамжоси жойлашган олис Сурхоннинг Вахшивор қишлоғида таваллуд топган. Ана шу қишлоқ тонглиридаги сулувлук, машҳур мутасаввуф шоир яшаб ижод этган гўшанинг тиниқ табиати шоиранинг ижодига ҳам сингиб кетган. Ҳар қайси ижодкор ўзича бир олам. Ёзувчи ёки шоир асарларида акс этган ҳаёт ҳақиқатлари, аслида, ана шу оламнинг турфа манзараларидир. Ёзувчи Олим Тошбоев айтганидек, ҳақиқий шеър ойда қолган из каби қалбда мангу яшайди.

Диёрбек ТУРҒУНПҮЛАТОВ
Чирчиқ давлат педагогика университети
Ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги
магистранти

ИСРОФГАРЧИЛИКДАН САҚЛАНАЙЛИК!

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратганидан сўнг унга турли ноз-неъматларни ато этиб, мана шу неъматлар шукрини қилишга буюрди, исрофгарчиликдан қайтарди. Халқимиз рўзғоридан орттирганини эҳсон қилишга шошилади. Лекин бу эҳсонлар жойига тушсагина, савоб оламиз, исрофга йўл қўйсак, аксинча, гуноҳкор бўлиб қолишимиз мумкин. Ҳолбуки, бугун баъзи ҳолатлардаги тангликларнинг асосий сабаби ҳам исрофдир. Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам “Тадбирли бўлиш – ярим ризқ”, деб марҳамат қилдилар. Барча ақли расо, идрокли кишиларга маълумки, ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, мўътадиллик ва меъёр ҳамиша маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошиш, исроф, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар эса ҳам ақлан ҳам шаръан қораланиб, улардан ҳазар қилишга буюрилган.

Аллоҳ таоло ўзининг қаломида бундай марҳамат қилади: “Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг!”.

Исрофгарчилик – мол-дунёни беҳуда сарфлашнинг бир кўриниши ҳисобланади. Имом Жужоний исрофни сифатлаб бундай дейди: “Исроф – бу нафақа қилишда чегарадан чиқишдир”.

Исрофгарчилик жамият ва умматга зарари бўладиган ёмон ахлоқий сифатлардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло бизларни бундан огоҳлантириб шундай дейди: “Эй, Одам авлоди! Ҳар бир масжид (намоз) олдида зийнатларингиз (пок кийимларингизни) (кийиб) олингиз! Шунингдек, еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зеро, У исроф қилувчиларни севмаг”.

Нафақа қилиш ва мол-дунёни сарфлашда ўртача йўлни ушлаган ва унга амал қилган инсонларни Аллоҳ таоло мадҳ этиб, бундай дейди: “Улар эҳсон қилганла-

рида исроф ҳам, ҳасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида – мўътадилдир”.

Бошқа бир оятда эса: “(Бахиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз”.

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади: “Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам мўътадиллик яхшидир”, дейилади.

Тежамкорлик тўғрисида эса Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида бундай марҳамат қилинади: “Тежамкор одам ҳеч қачон қашшоқлик кўрмайди”.

Демак, юқорида зикр этилган ояти карима ва ҳадиси шарифлар маъно-мазмунларидан огоҳ бўлиб ва ибрат олиб, ҳар биримиз меъёрдан ташқари харажат қилишдан, исрофгарчиликка йўл қўй-

ишдан сақланишимиз лозим бўлади. Чунки, исроф фақат марақа-маросимларни тежамсиз ўтказишгина эмас, балки вақтни, умрни бепарво, бесамар ўтказиш ҳам катта исрофдир. Фойдасиз ишлар билан машғул бўлиш, куч-қувват ва салоҳиятни юрт манфаати йўлида ишлатмаслик, соғлиқ қадрига етмаслик кабилар ҳам исрофдир.

Беҳуда исрофгарчилик йўллари ва сабабларидан айримларини зикр этамиз:

Биринчиси: Одатда исрофгар кишининг исрофнинг барча турларидан қайтарувчи илоҳий таълимотлардан беҳабарлигидир. Исрофгар бу дунёда ҳасрат-надоматда, охиратда эса қаттиқ азоб-уқубатда қолади.

Иккинчиси: Оила-муҳит таъсири. Киши исрофгар оилада тарбия топса, у ҳам аста-секин беҳуда исрофгарчилик йўлига ўтиб қолади.

Учинчиси: Табиий ҳаёт қонун-қоидаларидан беҳабар яшаши, ҳаётда бир маромда яшашликка ўрганмаслик. Ҳожати-заруриятдан ортиқ мол-дунё, сиҳат-саломатликни эҳтиёт қилмаслик.

Тўртинчиси: Кўплаб кишилар ҳаёт бошланишида оғир қийинчилик ва ҳаёт неъматларидан маҳрум ҳолда яшайдилар ва иқтисодий аҳволлари яхшиланиб, бой-бадавлат бўлишса мўътадилликни тамоман унутиб, исрофгарчилик йўлига ўтадилар.

Бешинчиси: Исрофгарлар билан дўстлашиш ва улар билан муомалада бўлиш.

Олтинчиси: Манманлик қилиш, ўзини жуда сахий ва олийжаноб деб кўрсатиш, одамларнинг олқиш ва мақтовларига эри-

шаман, деб мол-мулкни беҳуда исроф қилиш.

Еттинчиси: Бошқаларга кўр-кўрона тақлид қилиш ва ҳеч бир мулоҳазасиз, охир-оқибатини ўйламай, исроф йўлини тутиш.

Булардан ташқари, катта ва узлуксиз ҳалол меҳнат эвазига топилган мол-дунёни гиёҳхандлик, ароқхўрлик каби ношаръий йўللарга сарфлаш ҳам катта гуноҳ ҳисобланади. Керагидан ортиқча таом, озиқ-овқат сотиб олишга зиёда мол-дунё сарфлаш, ортиб қолган таом ва егуликларни ахлат челагига ташлаш ҳам энг ёмон кўрилган исрофгарчилик қаторига кириди.

Исрофгарчилик тўғрисида жуда кўп гапирилишига қарамай, ҳануз ҳам бу борада лоқайдликлар учраб турибди. Мисол учун, ичимлик сувидан фойдаланганимизда ҳали ҳам исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Баъзи хонадонларга кирилганда ёки маҳаллада, кўча-кўйда ёинки бозорларда фойдаланиш учун ўрнатилган сув жўмрақларининг аксарияти қишин-ёзин очиқ ҳолда қолиб кетиши мутлақо мусулмончи-

ликка тўғри келмайди.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки, азизлар, алҳамдулиллаҳ, Яратганга ҳамду санолар бўлсинки, бизнинг халқимиз меҳмондўст, саховатли халқдир. Урф-ода-тимизга кўра ўтказиладиган диний ва миллий маросимларимиз жуда кўп. Лекин афсуски, бу маросимларни ўтказиш асносида ортиқча тақаллуф ва исрофгарчиликларга йўл қўйилади. Ошу нонлар ортиқча тайёрланиб, ортиб қолган емишлар ҳайвонларга берилади ёки ташлаб юборилади. Бу эса динимиз таълимотига мутлақо зиддир.

Аллоҳнинг нозу неъматларини суистеъмол қилмай, тежамкорлик ва тадбиркорлик ила ҳаёт кечирайлик. Айниқса, ризку рўзимизнинг асосий рамзи бўлмиш нон ва сувни қадрига етайлик ва эъзозлайлик. Шундагина Ҳақ таоло ўз неъматларини янада зиёда қилажак, иншоаллоҳ!

Ҳасанхон АКБАРОВ,
Чирчиқ шаҳар “Ўрта маҳалла” жоме масжиди
имом-хатиби



Мамлакатимизда эҳтиёжманд аҳолини ўзини-ўзи даромадли меҳнат билан банд қилиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ишсиз фуқароларга асбоб-ускуналар ва хомашё хариди учун молиявий ёрдам ажратиш имкониятини кенгайтириш ҳамда манзиллилигини таъминлаш мақсадида “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш учун молиявий ёрдам ажратиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАРГА ФОИЗСИЗ ССУДАЛАР АЖРАТИЛАДИ

Қарорга кўра, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, айланма маблағлари билан таъминлаш ҳамда Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ва Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар аъзоларига ўз фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни харид қилишга ажратиладиган субсидиялар ўрнига фоизсиз ссуда ажратиш тизими жорий этилади. Шунингдек, аҳоли томонидан қизиқиб билдирилмаган, узоқ давр мобайнида фойдаланилмаётган ва самарадорлиги паст бўлган субсидиялар бекор қилинади ҳамда бир-бирини такрорловчи субсидиялар бирлаштирилиши белгиланган.

Шунингдек, маҳаллаларнинг ихтисослашуви ва драйвер йўналишларидан келиб чиқиб, камбағал оилаларга тадбиркорлик ҳамда деҳқончилик билан шуғулланиши учун грант ва фоизсиз ссудалар ажратилиши тартиби жорий этилиши белгиланган. Ссуда – бу муайян шартлар асосида берилган фоизсиз қарз. Оддатда, ссуда муайян мақсадлар (тадбиркорлик, деҳқончилик, асбоб-ускуналар хариди ва ҳ.к.) учун берилади ва белгиланган муддат ичида қайтарилиши шарт бўлган қарз ҳисобланади.

Хусусан, қарор билан “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида камбағал оилаларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида Камбағалликни қисқартириш Давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан аҳолига янги молиявий кўмаклар ажратилиши жорий этилади:

- озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга улар томонидан тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишлардаги аниқ лойиҳалар амалга



оширилиши учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 бараваригача субсидиялар;

- ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлган ишсиз фуқароларни ёки камбағал оилалар аъзоларини касаначи сифатида ишга олган тадбиркорларга уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун ҳар бир жалб қилинган касаначи учун БҲМнинг 10 бараваригача миқдордаги 3 йилгача муддатга фоизсиз ссудалар;

- камбағал оилаларга деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил қилиш учун деҳқон хўжалиқларига сув қудуқларини бурғулаш, насос агрегатларини сотиб олиш, томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш ва электр тармоқларини тортиш учун 6 ойлик имтиёзли давр билан БҲМнинг 200 бараваригача миқдордаги 5 йилгача муддатга фоизсиз ссудалар;

- маҳаллаларнинг ихтисослашуви ва драйвер йўналишларидан келиб чиқиб, ўз таърибасини 10 тагача камбағал оилаларга ўргатган ва уларга доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашган тадбиркорларга ҳар бир камбағал оила учун БҲМнинг 3 баравардан 30 бараваригача миқдордаги грантлар ажратиши белгиланган.

Достон НАЗИРОВ,
Чирчиқ шаҳар Адлия бўлими Давлат
хизматлари маркази етакчи мутахассиси

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оилаларни мустақамлаш, хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ва бандлигини ошириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш белгиланган. Жумладан, Конституциянинг 58-моддасига мувофиқ: Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш белгиланган.

Бундан ташқари, 2019 йил 2 сентябрда мамлакатимиз-

да гендер сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ, Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда

имкониятлар таъминланишини кафолатлаш белгиланди.

Шунингдек, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу

қонун билан хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги гендер сиёсатини, давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш;

- хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва

зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш учун сама-

рали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш.

Бундан ташқари, 2022 йил 7 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон билан хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлаш борасида уларга олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАР УЧУН КУНДУЗГИ ПАРВАРИШ ХИЗМАТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНЛИГИДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

“Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2025 йил 1 мартдан таъриба-синов тариқасида босқичма-босқич Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида, 2025 йил 1 октябрда республиканинг қолган ҳудудларида 3 ёшдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар учун давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилади.

Бунда ногиронлиги бўлган болалар кундузги парвариш хизматига уларнинг ота-оналари билан “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ўртасида тузилган ижтимоий шартнома асосида ҳамда Психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан белгиланган тартибда берилган хулосага мувофиқ қабул қилинади.

2025 йил 1 мартдан кундузги парвариш хизматига оид фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилади:

кундузги парвариш хизматидан фойдаланилган бир кун учун 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган



ҳар бир болага базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизи миқдорида ва 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган ҳар бир болага 27 фоизи миқдорида субсидия ажратилади;

Бунда вилоятлар марказлари, Тошкент ва Нукус шаҳарлари учун субсидия миқдори 1,1 кўпайтирувчи коэффициентни қўллаш орқали аниқланади.

Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларнинг ногиронлиги бўлган ҳар бир боласи учун юқорида белгиланган субсидия умумий миқдорининг 30 фоизи миқдорида қўшимча маблағ тўлаб берилади.

Дилнозахон АКРАМХОДЖАЕВА,
Чирчиқ шаҳар Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази шуъба бошлиғи

таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларида Давлат бюджетидан ҳар йили 1,8 триллион сўм ресурс маблағлари йўналтирилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган ислохотлар хотин-қизлар учун жамиятимизда эркаклар билан бир қаторда тенг имкониятлар яратиб, уларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Собир АВЛАҚУЛОВ,
Чирчиқ шаҳар Адлия бўлими бош юрисконсулти Бобур САХАДДИНОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг судяси

ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – КЕЛАЖАК ИСТИҚБОЛИ

“Тил билган – эл билади”, дейди доно халқимиз. Бу бежиз эмас, албатта. Бугунги глобаллашган замонда хорижий тилларда эркин мулоқот қила олиш ниҳоятда зарур. Бу аллақачон даврнинг талаби-га айланиб улгурди. Шу боис, мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш сифатини ошириш, бу борада ёшларга кенг имкониятлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2021 йил 13 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 18 турдаги халқаро имтиҳон тизими бўйича юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатлари тўлиқ қоплаб берилади.

Бунда ариза берувчи имтиҳон топ-

шириш вақтида 30 ёшга кирмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиши мумкин.

Ушбу давлат хизматини олиш учун Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиши мумкин.

Сўровномага имтиҳон топшириш харажати тўланганини тасдиқловчи тўлов квитанцияси ҳамда махсус сертификат “PDF” шаклида илова қилини-

ши керак.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги 15 кунда аризачининг сертификатини верификациядан ўтказди.

Сертификатнинг ҳақиқийлигини верификация орқали аниқлаш имкони бўлмаса, Ёшлар ишлари агентлиги 30 кунда махсус сертификатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашни сўраб хорижий ташкилотга сўров юборади.

Имтиҳон топшириш харажати қуйидаги талабларга жавоб берганда компенсация қилинади:

имтиҳонларнинг бири ёки бир нечтаси бўйича имтиҳон топшириш харажати компенсация қилиниши учун тўпланиши лозим бўлган юқори балл (даража)нинг минимал кўрсаткичи ёки

ундан юқори натижа қайд этилганда;

махсус сертификат берилган санадан бошлаб 180 календарь кун итмасдан компенсация тўлашни сўраб мурожаат қилганда;

махсус сертификатда кўрсатилган имтиҳон натижасининг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тасдиқланганда.

СМС-хабар орқали ижобий жавоб олганидан сўнг, ариза берувчи компенсацияни олиш учун ўзи танлаган Халқ банкнинг филиалига мурожаат этиши керак.

Наргиза ЯКУБОВА,
Чирчиқ шаҳар Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази катта мутахассиси

ХАВФЛИ КАСАЛЛИККА АВФСИЗ ЧОРАЛАР



Табиатда турли хил касалликлар мавжуд. Уларнинг баъзиси юқумли бўлиб, инсон ўлимига олиб келса, айримларини даволаш мумкин. Бироқ, қутуриш – барча иссиқ қонли ҳайвонларда ва одамларда учрайдиган бедаво, ўта хавфли юқумли касалликдир.

Касаллик шиддатли, фалажли ва тинч ҳолатда кечади. Биринчи ҳолатда итнинг хулқи ўзгаради, қоронгу жойни излайди, кўп яланади, овоздан қўрқади, қаттиқ хуради, йуқ пашшани ушламоқчи бўлади, иштаҳаси бўғилади, латта, хас ёғоч каби нарсаларни емоқчи бўлиб, уларни ютишга ҳаракат қилади. Иккинчи ҳолатда томоқ, пастки жағ, кейинги оёқлар, тана ва сўнгра олдинги оёқлар фалажланади. Учинчи ҳолатда эса асабийлашмасдан ўтади. Унда сўлак оқиш, қийналиб ютиниш кузатилади.

Шу ўринда савол туғилади: бедаво қутуриш касаллигидан сақланиш учун нималар қилиш керак?

Жавоб оддий, ҳар бир фуқаро қутуриш касаллигининг олдини олиш бўйича қуйидаги “Олтин қоидалар” га амал қилиши кифоя:

- ит сақлаш қоидаларига мунтазам амал қилиш;
- итларни ҳудудий ветеринария бўлимларида ўз вақтида ҳисобга қўйиб, қутуришга қарши эмлатиш;
- эгасиз, дайди итлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- ҳар бир инсон умрининг охиригача эсидан чиқармаслиги зарур бўлган асосий қоида бу – имкони борица ит ва бошқа ҳайвонлар тишлашидан сақланиш

чораларини кўриш, борди-ю бирор бир ҳайвон тишласа, зудлик билан тиббий ёрдамга мурожаат этиш ҳамда қутуриш касаллигига қарши эмлатиш.

Юқорида зикр этилган тавсияларга амал қилинган тақдирдагина сиз даҳшатли ўта хавфли юқумли касаллик ҳисобланган қутуришдан ўзингизни асраган бўласиз.

Бу борада, Чирчиқ шаҳар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими томонидан керакли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида “Долзарб 90 кунлик” тадбирлари ўтказилмоқда. Йил бошидан ҳозирги кунга қадар ветеринария мутахассислари томонидан шаҳар ҳудудида аҳоли қарамоғидаги 1540 бош ит-мушуклар касалликка қарши эмланиб, қайта рўйхатга олинди ва ҳайвон паспортлари берилди. “Наврўз” ва “Ҳамза” маҳаллаларида сайёр қабуллар ўтказилди. Бугунги кунда ҳам мутахассислар томонидан профилактик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жасур ХАДЖАМОВ,
Чирчиқ шаҳар Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш бўлими бошлиғи

	Тирноқ бўёғи	Лўлича «ака»	Россия теле-		Вертикал, адил	Якка кураш	Инглиз емак-		«Ўнг» акси,	Тоғ, Крит	...-... гаплар тар-
Кўплик қўшим-	→				Кўчат ўлчови	→		Ажриқ, газон	→		
Далолат- нома	→				... Деол	→		...- бади	→		
Меҳнат, иш	→				Ёғоч ўлчов	→		Ҳаш- ...	→		

ҲОРДИҚ ВАҚТИ

				Кин, ғараз		Том ... (актёр)		Халос имкони	→				Кошки, шояд	→
Қарсақ, овация	Оёқ кийи- мининг жуфти		Оралаб, ичида (шеърӣ)					Пинак, мизғиш		Нима учун?	Тирик, барҳаёт		Самолёт зинаси	
			→	Яқудий, жуқуд (рус.)		Индира (арбоб)			→		Шеърӣ вазн		Бернард (ёзувчи)	
Оху, ғазол, жайрон		Ёзма иш тури		Йўғон, сербар		→		Қайси пайт?		Макарон хили	→			
Кўйма таом хили		Бейсбол- даги очко	→		Савобли, хайрли		Асос, негиз		→			Лабдаги тошма, ярача		... қўяман деб кўз чиқарма
			→	Лунж, чакак		Кўзи борнинг ...и бор			→	...- чўнқир	Изла, ахтар			→
	Идиш хили		→	→	Прозадаги қофия			Бичим, фасон	→				Давлат, Африка	
			→			Китоб муқоваси	Заҳар- заққум		→	Тил, Покистон		Шашка «қирол»и	Ванна «ёнгир»и	→
	Хабар, дарак	Тиббий хулоса, ташхис					Юз қисми, энгак		→	Дарахт барги			Отлар тўдаси	→
				Фиску фуқур, ғийбат	Аёллар бош кийими					→	Кўлли талаффуз белгиси	... бўлса, ўрни бошқа		→
Яра-... заха	«... ва арго- навтлар» (миф.)	Қришначи- лар етакчиси	→			Шайн, иззат- нафс		...Клаус (Қорбобо)		Узоқ эмас			Чуқур, чоҳ	
					Кимёвий молда хили		Маош, мояна		→			И шакс, бирлик	Гурра, гематома	
Кўёш, шамс	Заиф, кучсиз	Айш, маишат						Аслзода, кибор		→	Туман, Қашқадарё вилояти			→
					Консуллик ходими		→	→	→			... Сафина (хонанда)	Газлама, материал	→
				«Ювен- тус» шаҳри	...си қотди			Дами ... (актриса)		→	МЧЖ (инглизча)			→
						Замш, кўн				→		... Королёва (хонанда)		→
	Ягона, елғиз		→	Давринг келди, ... бегим				... Икромов (арбоб)	→	Эски хаммом, эски ...		→	Хайрону махлиё	→
											→	Атир- ...		→
						...мақсад (муддо)	→						Оқ чойнақа ... қолқоқ	

ВАТАН ҲИМОЯСИ – КЕЛАЖАК АВЛОД ҚЎЛИДА



Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти Гуманитар фанлар кафедраси профессори, захирадаги подполковник Абдусаттор Эргашев иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизими-ни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 24-сонли умумий ўрта таълим мактабида “Ватан ҳимояси – келажак авлод қўлида” номли маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, захирадаги подполковник Азим Алламурадов ва мактабнинг Чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш фани ўқитувчиси, захирадаги капитан Шоҳжаҳон Эрназаров иштирок этди.

Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра профессори, доцент Абдусаттор Эргашев ўқувчиларга олий ҳарбий таълим билим юртларида ёшларга яратилган шароитлар, ўқишга кириш учун яратилган қулайликлар тўғрисида гапириб, ўқувчиларни қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб берди.

Айрим ўқувчилар ҳарбийлик касбини танлаб, келажакда ватан ҳимоячиси, яъни офицер касбини танлашга қизиқиш билдирдилар. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан кўзланган асосий мақсад – ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, тинч ва ҳарбий шароитда Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантиришдан иборат.

Алишер МУИНОВ,
Чирчиқ ОТҚМБЮ Гуманитар фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси,
доцент

O'tkir HOSHIQOVning "Daftar hoshiyasidagi bitiklar" kitobidan

CHEGARA

Odamzod nima uchun kaftdek hovlisiga gul ekadi? Undan ko'ra sholg'om eksa, qozoniga tushadi-ku. Odamzod nima uchun bulbul chax-chaxini eshitganda entikib ketadi? Undan ko'ra bulbulni sho'rvaga solib, nafsini qondiradi-ku. Odamzod nima uchun osmonda charaqlab yotgan yulduzlarni ko'rib, ko'ngli zavqqa to'ladi? Yulduzlar uning hamyonidagi tillalar emas-ku. Odamzod nima uchun kitob o'qiyotib, suyuqli qahramoni o'lib qolsa yig'laydi? Uni yozuvchi "ichidan to'qib chiqqanini"ni biladi-ku? Odamzod nima uchun o'zga yurtlarga borib behisob mol-dunyo ortirsa-yu, ittifoqo bolaligi kechgan kulbasi tushiga kirib qolsa, tuni bilan yig'lab chiqadi? U axir koshona qasrda yashaydi-ku. Odam nima uchun bolasining boshida alla aytadi? Go'dak alla eshitmasa uxlamaydimi? Odamzod nima uchun nevarasini yetaklab necha zamon avval o'tib ketgan bobosining qabrini ziyorat qiladi? Marhum ularni ko'rmaydi-ku?! Gap shundaki, Odamzodni hayvonotdan ajratib turadigan chegara bor. Bu chegaraning nomi Ma'naviyat deb ataladi!

INSON VA SHAYTON

Ba'zilarga hayron qolasiz. Qilg'ilikni qilib qo'yadida, "Bilmay qoldim, shayton yo'ldan urdi", deydi... To'g'ri, odamzod qonida shayton vasvasasi aylanib yurishi-bor gap. Ammo... Shunaqangi erkaklar borki, qirg'at urg'ochi shaytonni bolalatib tashlaydi. Shunaqangi ayollar borki, qirg'at erkak shaytonni alimant to'laydigan qilib qo'yadi... Hamma aybni shayton sho'riklika to'inkayvermang!

HAQIQATNING HIMOYASI XALQ UCHUNDIR

Eng avvalo o'tinchim shu uyg'onaylik,
Pok tilaklar shukuhiga chulg'onaylik,
Haqiqatning o'chog'ida cho'g'lanaylik,
Qaysi dilda insof ustun, or ustundir,
Haqiqatning himoyasi xalq uchundir!

O'zga haqi o'zgaga hech vafo qilmas,
Kim kafdir u bolangga jafo qilmas.
Sir bormikin, bu dunyoda Xudo bilmas,
Xiyonat bu – himoyasiz bir tutundir,
Haqiqatning himoyasi xalq uchundir!

Olamdagi tiniq ko'zgu – xalq ko'zgusi,
Unda hatto ko'ringaydir dil tuyg'usi,
Haqdan qo'rqib, kim xalqidan uyalgusi,
Gunoh qilmas, mayli ochdir yo yupundir,
Haqiqatning himoyasi xalq uchundir!

Korrupsiya la'natlangan illat erur,
Halollikning hidoyati ibrat erur,
El duosi ellar aro hikmat erur,
Duo olgan qalb xotirjam, yuz gulgundir,
Haqiqatning himoyasi xalq uchundir!

Milliy kengash – millat qadrin qalqonidir,
Kengashmoqlik – odillikning imkonidir,
Kengash tutmoq – Amir Temur farmonidir,
Har muammo ko'ngil ichra bir tugundir,
Haqiqatning himoyasi xalq uchundir!

Olma pishib og'zimizga o'zi tushmas,
Bir qanotda axir, hatto chivin uchmas,
Bugun bizga birlik kerak, boshqa ishmas,
Xalq birlashsa, Cho'lpon
aytgan – "Xalq to'liqindir!"
Haqiqatning himoyasi xalq uchundir!

Haromxo'rlar ochib qo'ygan tuynuklar bor,
El-yurt mulkin "tuya qilmoq" ularga kor,
Bilmaydilar ozor yo'lin yoni mozor,
Buyurmasa oltin – toshdir, pul – kukundir,
Haqiqatning himoyasi xalq uchundir!

Yaqin tarix o'zbek uchun xorlik ming bad,
Ne azoblar, ne kazzoblar ko'rdi millat.
Qotillarni urgay albat tavqi la'nat!
U o'tmishga boqsang hamon dil zabundir,
Haqiqatning himoyasi xalq uchundir!

Korrupsiya – ta'kidladi el sultoni,
Bu jamiyat tanasining saratoni.
Bo'lsa agar odamzotning pok imoni,
Bilsin, do'zax oloviga shu uchqundir,
Haqiqatning himoyasi xalq uchundir!

Qaysi elda mezbon odil – yayrar qo'noq,
Qaysi yurtda taraqqiyot – poklik chiroq,
O'zbek shunday, bor dunyoga ochar quchoq,
Bukun yangi O'zbekiston bir yolkundir,
Haqiqatning himoyasi xalq uchundir!

CHIRCHIQTONGI

Muassis:

Toshkent Viloyati Chirchiq Shahar
HOKIMLIGI"Chirchiq tongi" gazetasi tahrir
hay'ati:**Murodjon ABDURAHIMOV**

(tahrir hay'ati raisi)

Hotamjon SAYDAHMEDOV**G'afurjon MUHAMEDOV****Shavkatbek MAMAJONOV****Ibrohim HASANOV****Saodat MUSAYEVA****Ilhom ASADOV**

Bosh muharrir:

Iroda**MUHAMMAZIZOVA**Gazetaga 1932-yilda asos
solingan2011-yil 22-avgustda Toshkent
viloyati Matbuot va axborot
boshqarmasida 03-024 raqam
bilan ro'yxatga olingan**Manzili:** 111700,Toshkent viloyati, Chirchiq shahri,
Amir Temur ko'chasi, 1-uy, 409,
410, 411 va 412-xonalar**Adadi:** 3000 nusxa.**Hajmi** - 1,5 bosma taboq.

Qog'oz bichimi A-3. Ofset

usulida bosilgan. Bahosi

kelishilgan narxda

ISSN 2181-7170

Telefonlar:**Qabulxona:**

70-71-5-36-40.

E'lonlar va hisob-kitob**bo'limi:**

70-71-5-00-14

Nashr indeksi: 64694

Topshirish vaqti-13.00.

Topshirildi-14.00.

Gazeta tahririyat kompyuter
markazida**Xatira YUSUPOVA**

tomonidan sahifalandi

Navbatchi:

Malika RISKIDINOVATahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi
va muallifga qaytarilmaydi.
Reklama materiallaridagi dalillar
va faktlarga tahririyat javobgar
emas«NISO NASHRIYOT VA MATBAA
UYI» MCHJ bosmaxonasida
chop etildi.

Korxona manzili:

Toshkent viloyati, O'rta Chirchiq
tumani,Mash'al mahallasi, Markaziy
ko'cha, 1-uy.**Buyurtma №****MUQADDAS, MO'TABAR AYOL!**

Har yili bahorning ilk haftasida mamlakatimizning barcha jabhalarida 8-mart – Xalqaro xotin-qizlar kuni munosabati bilan bayram tantanalari o'tkaziladi. Unda ayollarga yanada ehtirom ko'rsatilib, ularning sha'niga samimiy tilaklar bildiriladi. Shahrimizda ham ushbu an'ana munosib davom ettirildi.



Shahar hokimligining majlislar zalida sana munosabati bilan "Sen aziz va muqaddasan, mo'tabar ayol!" nomli bayram tadbiri tashkil etildi.

Tadbir avvalida shahar hokimi Murodjon Abdurahimov tomonidan shahrimizning faol ayollariga esdalik sovg'alar topshirildi.

Bayram tadbirining asosiy qismi



"Kimyogarlarni" madaniyat saroyida ko'tarinki ruhda bo'lib o'tdi.

Unda deputatlar, ilm-fan, san'at va madaniyat namoyandalari, turli idora va tashkilotlarda mehnat qilayotgan, har jabhada faollik ko'rsatayotgan xotin-qizlar ishtirok etdilar.

Dastlab yig'ilganlarga shahar hokimining bayram tabrigi o'qib eshittirildi.

Shundan so'ng, konsert dasturi namoyish etildi. Raqqosalarning betakror chiqishlari va havaskor san'atkorlar tomonidan kuylangan dilbar kuy-qo'shiqlar tadbirning yanada fayzli va bayramona kayfiyatda o'tishiga hissa qo'shdi.

RASSOM HANDALARIAzizim,
mana senga
guldasta...Azizim,
mana sizga
nonushta...

"MUSHTUM"dan olindi

SAMIMIY QUTLOVLAR

"Maxam-Chirchiq" AJ boshqaruvi va kasaba
qo'mitasi Mehnat faxriylari

Galyamova Malikani 90,

Tuxtayeva Saxiba Gulamovnanani va Tambovseva

Lyubov Vasilyevnanani 75,

Musirova Minaim, Urinov Ilxom Turdivaliyevich

hamda Baybolatov Nurjan Ismailovichni 70 yoshlari

bilan samimiy qutlaydi va ularga sihat-salomatlik,

oilaviy osoyishtalik hamda shod-uhurramlik tilaydi.